ИННОВАЦИЯ – ИЖТИМОИЙ ФЕНОМЕН

А. Эгамбердиев

Мақолада инновацияга ижтимоий феномен сифатида ёндашган ҳолда мазкур масала бўйича айрим тадқиқотчиларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, муаммо юзасидан муаллиф концепцияси ифода этилади.

***Калит сўзлар**: инновация, модернизация, глобализация, креативлик, стратегия, давлат дастури, ёшлар.*

В статье инновации рассматриваются как социальный феномен. В статье также анализируются взгляды некоторых исследователей по данной проблеме и выражается авторская точка зрения.

***Ключевые слова**: инновации, модернизация, глобализация, креативность, стратегия, правительственная программа, молодежь.*

In this article the innovation is studied as a social phenomenon. The article also analyzes the opinions of some researchers on this issue and expresses the author's point of view.

***Key words**: innovations, modernization, globalization, creativity, strategy, government program, youth.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши нафақат мамлакат янгиланган тараққиёт йўлидан боришини англатади, балки илмий жамоатчилик ўртасида инновацияларга бўлган қизиқишни ҳам кучайтириб юборди [1]. Йил номи остида қабул қилинадиган давлат дастури барча ресурсларни жалб қилган ҳолда белгиланган йўналишда ривожланишнинг усул ва услубларининг умуммиллий миқёсдаги танлови натижасидир. Жорий йилги давлат дастурининг муҳокамасида 4500 га яқин таклифлар келиб тушганининг ўзиёқ масалага жамоатчиликнинг қизиқиши кучли эканини кўрсатиб турибди [2].

Дунёдаги глобал ўзгаришлар – интернет тармоғи, ягона иқтисодий ва ахборот маконининг шаклланиши натижасида модернизация жараёнлари

тезлашиб бормоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳам илғор технологияларни ўзлаштириш, уларни қўллаш ва яратишга бўлган интилиш бир жиҳатдан глобализациянинг натижаси бўлса, иккинчи жиҳатдан барқарор тараққий этиш жараёнида вужудга келадиган такомиллашув сари интилишнинг бир кўринишдир. Ана шундай янгиликка бўлган интилиш, мавжуд тизимларнинг самардорлигини оширишга қаратилган фаолият инновация сифатида талқин этилмоқда.

Инновация тушунчаси илмий адабиётларда, асосан, XIX асрнинг охирларида қўллана бошланди. Дастлаб бу тушунча турли маъноларда, масалан, жамият ҳаётига турли янгича одатларнинг кириб келиши маъносида қўлланган бўлса, кейинроқ унга бошқачароқ маъно берилиб, кўпроқ иқтисодий ҳаётга тегишли бўлган янгиликларнинг кириб келиши назарда тутилди. XX асрнинг бошларида яратилган турли фалсафий луғатларга инновация тушунчаси киритилмаган. XX асрнинг охирларига келиб бу тушунча кўпроқ учраб, луғатларда инновация «янгилик», «ўзгариш», «янгича қараш» каби маъноларда берилди [3]. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида «инновация (инг. innovationas — киритилган янгилик, ихтиро) — 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши» [4.199] деган таъриф берилган. Педагогик атамалар луғатида «Инновация янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар» сифатида талқин этилади [5.48]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тушунча «1. Инновация – техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2. Илғор техника ва технологиялар, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши» деб таърифланган [6.212].

Жамият тараққиётининг стратегияси, истиқболлари бошқа муҳим омиллар билан бир қаторда инновациялар контекстида ўрганилиши зарур. Ҳозирги кунда жамиятда турли инновацияларнинг тарқалиши ва уларнинг кишилар турмуш тарзига татбиқ этилиб, инновацияларнинг истеъмолчилари тобора кўпайиб бораётганлиги жамиятимизда инновацион жараёнларнинг ривожланаётганини англатади. Бу жараёнларнинг натижасида жамият тобора инновацион хусусият касб этиб бормоқда.

Инновациялар тараққиётнинг объектив шартига ҳамда жамиятда модернизация жарёнларини амалга оширишнинг стратегик омилига айланди. Ўзбекистонда кенг кўламда амалга ошаётган модернизация жараёнлари натижасида инновациялар тараққиёти учун қулай имкониятлар юзага келиб, инновацион жамиятнинг шаклланиши ва инновацион фаолиятнинг юзага келиши реалликка айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан ўтган давр мобайнида миллий илм-фан намояндалари томонидан инновацияларнинг айрим жиҳатларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилди.

Иқтисодчи олимлар Р.И.Гимуш ва Ф.М.Матмуродовлар «инновация» тушунчасини иқтисодий жиҳатдан тадқиқ этиб, янгиликни бозорга киритиш жараёнини тижоратлаштириш сифатида талқин этадилар ва инновациянинг классификацияси ва босқичлари каби масалаларни ёритадилар [7,10].

Ҳуқуқшунос-тадқиқотчи А.Аҳмедов инновацион фаолият соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини атрофлича тадқиқ этиб, инновация ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий моҳияти, инновацион фаолият субъектларининг, шу жумладан, технопаркларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инновацион фаолиятга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қонун қўллаш амалиётини яхшилаш, инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш, инновацион фаолиятни амалга оширишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг ечимини топиш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан [8].

Файласуф олим А.С.Бегматовнинг «Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари» номли китоби инновация жараёнининг ижтимоий ва фалсафий жиҳатларини ўрганиш борасида илк қадам бўлди. Китобда инновациянинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларига эътибор қаратилган. Муаллиф инновацион фаолият, инновацион салоҳият, инновацион онг ва инновацион психология, инновацион муҳит ҳамда бу ижтимоий ҳодисаларнинг натижаси сифатида инновацион шахс шаклланиши масалаларига тўхталган. Муаллиф қайд этилган ҳодисалар тараққиётнинг янгича босқичи, инновацион тараққиётга олиб келишини эътироф этади [9].

Маълумки, тарихий жараённинг барча босқичларида ҳам жамият эволюцион тарзда олдинга силжиб, ривожланиб борган. Фақат бу даврларда модернизация жараёнларининг суръатлари турлича бўлган. Янги даврда капиталистик тараққиёт натижасида модернизациянинг бориши анча ўсиб борган бўлса, бугунги кунга келиб унинг суръатлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам ниҳоятда тезлашиб кетди. Демак, модернизация жамият ҳаётининг тубдан янгиланиб бориши билан боғлиқ бўлган объектив жараён бўлиб, у жамиятнинг мунтазам янгиланиб ва ўзгариб боришига олиб келади. Бундай янгиланиш эса инновацияларнинг кириб ке-

лиши ва тарқалиши учун шароит яратади. Демак, модернизациянинг амалга ошиш омилларидан бири инновация экан.

Бугунги глобаллашув шароитида интеграция жараёнларининг кучайиб бориши инновациялар кириб келиши ва тарқалиши суръатларини янада жадаллаштиради. Турли мамлакатлар томонидан жорий этилаётган инновациялар уларнинг барқарорлигини, жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаб, рақобатбардош бўлишини белгилаб берувчи омил сифатида юзага чиқмоқда. Бу мамлакатларнинг тараққиёт суръатлари инновацияларни қўллаш ҳисобига тобора жадаллашиб бормоқда.

Ҳозирги даврда инновациялар даврнинг хусусиятлари ва моҳиятини акс эттирувчи ўзининг маълум қонунлари ва тамойилларига асосланган ижтимоий феноменга айланди. Инновациялар тараққиёти жамиятни тубдан ўзгариб, инновацион моҳият касб этиб боришига олиб келмоқда. Ижтимоий инновациялар ҳам инновацион жамият шаклланишига олиб келувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ривожланган давлатлар қаторидан жой олиб, дунё ҳамжамиятининг фаол субъектига айланмоқчи бўлган давлатлар ижтимоий ҳаётини модернизация қилиш жараёнида, албатта, инновацияларни жорий этишга мажбурдирлар. Ўзаро иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш учун давлатлар инновацион тараққиёт йўлини танлайдилар. Чунки тенг ҳуқуқли, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга имкон берадиган иқтисодий муносабатлар инновацион тараққиёт талабларига жавоб бера олиш, рақобатбардош бўлиш, ўз ҳаётига уларни татбиқ қилиш кабиларсиз шаклланмайди. Жамият тараққиёти, модернизация жараёнларини амалга ошириш субъектлардан янгича фаоллик ва янгича турмуш тарзини талаб этади. Буни амалга ошириш эса ижтимоий ҳаётда янгича ёндашув ва инновацион тараққиётни тақозо қилади.

Бу эса давлатлар ўз тараққиёти йўналишларини белгилаш, иқтисодий ва ижтимоий истиқболларини режалаштиришни инновациялар ва уларни жорий қилиш контекстида амалга оширишлари ва албатта, бу жараённинг ролини ҳисобга олишлари зарурлигини кўрсатиб турибди. Чунки глобал дунёнинг даъватларига жавоб бера олиш, ижтимоий интеграция талаблари, янги технологиялар ва илм-фан илғор ютуқларини амалиётга қўллаш жамиятнинг инновацион хусусияти, субъектларнинг интеллектуал потенциали, уларни юзага чиқариш механизмларини ишлаб чиқиш, жамиятда инновацион фаолият ва инновацион онгни ривожлантириш ҳамда улар асосида фаол ҳаётий муносабатни шакллантириш масалалари билан боғлиқ.

Инновациялар жамият ва инсон эҳтиёжлари ҳамда тараққиёти натижасида табиий равишда юзага келадиган объектив ижтимоий ҳодисадир. Инновацияларнинг моҳияти объектив тараққиёт томонидан қўйилган муаммоларнинг ечимини давр руҳига мос равишда ҳал этилиши билан боғлиқ. Чунки ривожланиш ва тараққиётни амалга ошиб боришининг ўзи мантиқий равишда инновацион жараёнларни юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, жамият ва инсонларнинг эҳтиёжлари доимо ўзгариб боради ва улар мунтазам қондирилиб боради. Эҳтиёжларнинг ўзгариб бориши, янги талаблар ва манфаатларнинг юзага келиши жамият ҳаётида тобора инновацияларнинг кириб келиши ва тарқалишини тақозо этади.

Америкада ташкил этилган «Инновацион лидерлик маркази»нинг креатив раҳбари Боб Розенфальднинг фикрича, инновацияларни қўллаб-қувватлаш бир қатор компонентлари динамик ва энергик нуқтаи назардан ўзаро боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Олимнинг фикрича, инновациялар 5 та тамойилга асосланади:

1. Инновациялар бошланади, кишилар эса муаммоларни янги ғояларга конвертация қиладилар. Ғоялар саволлар, муаммолар ва тўсиқлар натижасида пайдо бўлади. Инновацион жараён гуллаб-яшнаши учун унга тадқиқот ва муаммоларни ўрганишга имкон берадиган муҳит зарур.

2. Инновацияларга тизим керак. Бундай тизим бешта тоифага бўлинади: ташаббускор, мақсадли инновациялар, ички вентиляция, мунтазам такомиллашув, стратегик ўзгаришлар.

3. Интилиш (истак) бу – ёқилғи, оғриқ эса очиқ қўшимча восита. Интилиш балансда пайдо бўлмайди, у ғояларни ҳаракатга келтиради, бошқа ресурсларни фойдага айлантиради. Инновация раҳбарлари интилишдан азоб чекишлари ва уларни самарали бошқаришлари зарур.

4. Тўртинчи тамойил инновация методларининг асосида ётади: Ғояларни биргаликда муҳокама қилиш, ахборот алмашинуви, ўзаро ишонч, ахборот тизимининг кенгайиши кабилар ижодий тафаккурни қўллаб-қувватлайди ҳамда ғояларни шаклланиш босқичида танқид қилиш имконини беради.

5. Фарқлар ва турли-туманликдан фойдаланиш лозим. Кишиларни ажратиб турувчи тил, маданият ва муаммоларни ҳал этиш услублари каби фарқлар ва турли-туманлик инновациялар тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланади. Улардан конструктив фойдаланиш орқали инновацион жараёнларни юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш мумкин [10].

Инновациялар соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган яна бир америкалик тадқиқотчи Скотт Элиас инновациянинг асосида қадимги даврда юзага келган ижод туради, деб ҳисоблайди. Ижод тараққиётида ақлнинг роли, унинг мураккаблашиб бориши, ижтимоий ақл, кашфиёт ва буларнинг натижасида ижоднинг янги моделлари юзага келиши муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Скотт Элиас ижоднинг қа-

димги шакллари бугунги инновацияларнинг асосида туради, деган фикрни илгари суради [11.7].

Маълумки, инновацияларнинг юзага келиши ва тараққиёти объектив ва қонуний жараён. Лекин мазкур объектив жараённинг амалга ошиши субъектив омилнинг фаолиятига боғлиқ. Инновацияларга субъектларнинг ўрганиб бориши, улар томонидан қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ қилиниши инновациялар тараққиётини ва мавжуд бўлишини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Демак, инновацияларнинг пайдо бўлиши билан бирга уларнинг жамиятда сақлаб қолиниши ҳамда янада кўпайиши масаласи ва пировардида уларнинг яшаши муаммосини ҳал этиш лозим бўлади. Шунинг учун инновацияларни тараққий эттириш билан бирга бу тизимнинг янги элементлари инновацион муҳит, инновацион шахс, инновацион руҳият, инновацион онг, инновацион фаолият каби масалаларни ҳам илмий таҳлил этиш зарур.

Юқорида инновацияга берилган турли ёндашувлар ва таърифларга асосланган ҳолда биз инновацияни қуйидагича таърифламоқчимиз: ***инновация янги моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, у кишиларнинг янгича тафаккур ва янгича фаолиятига асосланган ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга олиб келадиган ижтимоий феномендир.***

Фалсафий нуқтаи назардан ҳар қандай инновация инсонни ўраб турган борлиқда мавжуд бўлган элементлар ва ҳодисалар ўзгариши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ бўлган жараён. Ҳар қандай ривожланиш маълум маънода инновацияга олиб келади. Инновацияга олиб келувчи ривожланиш икки хил йўл билан: биринчиси, мазкур тизим элементларининг ўз потенциали асосида тараққий этиб, янги хусусият касб этиб бориши ва иккинчиси, бу тизимга янги элементларнинг кириб келиши ҳисобига амалга ошади. Демак, инновация ривожланишнинг нафақат натижаси, балки давоми ёки юқори босқичи сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Ўзбекистонда инновацион тараққиётнинг тезлашуви бу борадаги қатор вазифаларни вужудга келтиради. Жумладан, инновацияларнинг фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш олимлар олдида турган вазифалардандир. Ташкилий институционал жиҳатдан инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг механизмини яратиш ва қонунчилик асосларини мустаҳамлаш жараёнида нафақат давлат ҳокимияти идораларининг, балки жамоатчиликнинг ҳам иштирокини кучайтириш зарур. Ёшлар ўртасида муаммоларга креатив ёндашган ҳолда инновацияларни тарғиб қилиш, бунда таълимнинг энг қуйи тизимидан бошлаб мавжуд вазиятга танқидий муносабатда бўлиб, уни яхшилашга интилиш ҳиссини кучайтиришга хизмат қиладиган тизим яратиш зарур бўлади.

Ҳар қандай жамиятда модернизация жараёнлари амалга ошаётган шароитда инновацион фикрловчи кишиларнинг кўпайиб бориши, илғор фикрловчи юқори интеллектуал потенциалга эга бўлган инновацион гуруҳларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Инновацияларни тарқатувчилар ким бўлишларидан қатъи назар, уларнинг онгида келажак тараққиётини таъминлаш вазифаси бош мезон сифатида акс этиши мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг фаолияти ватанимизнинг келажагига ва пировардида фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. http://prezident.uz/uz/lists/view/1371 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2. http://2018.strategy.uz/ - 2018 «Faol tadbirkorlik, innovatsion g`oyalar va texnologiyalarni qo`llab-quvvatlash yili» (5-15-yanvar) Davlat dasturi loyihasi jamoatchilik muhokamasi.

3. Қаранг: Латинско-русский словарь.- М., 1976; Франко-русский словарь. М., 1979.

4. http://ziyouz.uz/kutubxona/ziyouz/lugatlar/ - Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.

5. Педагогик атамалар луғати. Тузувчилар Р.Джураев ва б.- Т., 2008.

6. http://ziyouz.uz/kutubxona/ziyouz/lugatlar/ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.

7. Гимуш Р.И., Матмуродов Ф.М. Инновацион менежмент.- Т., 2008.

8. Ахмедов А. Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (dsc) дисс... автореф.-Тошкент, 2017.

9. Бегматов А.С. Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари.- Т., 2016.

10.https://www.ccl.org/multimedia/podcast/the-essence-of-innovation-5-principles/ he Essence of Innovation: 5 Principles

11.Scott Elias. Origins of Human Innovation and Creativity: Breaking old paradigms//Origins of human innovation and creativity. Oxford. 2017. –P.-7.

Андижон давлат университети,
2018 йил 16 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Йўлдошева)